



УДК: 343(575.1)

JINOYATCHILIKNING OLDINI OLISHDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARINING TUTGAN O‘RNI

Rustamjon IMAMOV,

Andijon davlat universiteti, yuridik fanlari nomzodi, dotsent

E-mail: tillo.r@mail.ru

Tel: 97 332 7776

Annotatsiya Ushbu maqolada huqubuzarliklarning oldini olishda ommaviy axborot vositalaridan foydalanishning ilmiy metodik tavsiyalari bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: jinoyat, huquq, jazo, huqubuzarlik, profilaktika, jamiyat, iqtisodiyot.

РОЛЬ СМИ В ПРЕДУПРЕЖДЕНИИ ПРЕСТУПНОСТИ

Аннотация В данной статье изложены научно-методические рекомендации по использованию средств массовой информации в профилактике преступлений.

Ключевые слова: преступление, закон, наказание, правонарушение, профилактика, общество, экономика.

ROLE OF MASS MEDIA IN CRIME PREVENTION

Abstract This article describes the scientific methodical recommendations for the use of mass media in the prevention of crimes.

Key words: crime, law, punishment, offense, prevention, society, economy.

Кириш. Маскур мақоланинг Ўзбекистон Республикасида 5 йил мобайнида содир этилган жиноятлар тахлили билан бошлашлик мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикасида 2019-2023 йилларда яъни сўнги 5 йилда қайд этилган жиноятлар сони 2 баробарга ошди. Бироқ сўнги 2 йил ичида жиноятлар сони камайиб бораётганлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасида сўнги 5 йил ичида қайд этилган жиноятлар сони 2,3 баробарга ошган. Бу ҳолат Республика статистика агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотлардан кўринади.

Қайд қилинишича сўнги беш йилда (2019-2023 йилларда) Республика бўйича қайд этилган жиноятлар сони 2,3 баробарга ошган. Чунончи: 2019 йилда 49 минг жиноят қайд

этилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 104 мингтага етган. Малумотларга кўра, 2021 йилда жиноятчилар даражаси 1,8 баробарга кескин ошган. Бироқ кейинги 2 йил ичида пасайиш кузатилмоқда. Хусусан, ўтган йили жиноятлар сони 1,1% га камайган. Ўтган йили жиноятларнинг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида қайд этилган (ҳар 10 минг аҳолига ўртача 71,5 дона), Тошкент вилоятида (40,7) ва Сирдарё вилоятида (37,1). Энг паст кўрсаткич Хоразм вилоятида (15,1) қайд этилган.

Жиноятларнинг 41,5% ижтимоий хавфи катта бўлмаган, 28% оғир, 26,4% унча оғир бўлмаган, 4,1 % ўта оғир жиноятлар сифатида малакаланган.

Такидланишича, жиноятларнинг 43,8% иқтисодий, 24% жамият хавфсизлигига қарши, 16,4% ҳокимят бошқаруви органлари ва жамият бирлашмалари фаолияти тартибини бузиш 15,2% жисмоний шахсларга қарши жиноятлар бўлган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Жиноятлар ва барча турдаги ҳуқуқ бузарликларнинг олдини олиш, давлат органлари ва жамият ташкилотларининг ҳамкорликда иш олиб боришини тақозо этади шу билан бирга, ушбу фаолият йўллариининг ташкил этиш ва амалга оширишда давлатнинг маҳаллий бошқарув органлари, маҳаллий бошқарув органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, фуқароларнинг кўнгилли гуруҳлари маъсулиятга эгадирлар.

Умуман олганда, жиноятчиликка қарши кураш умум халқ иши эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятининг юқори бўлиши профилактика ишларини самарасини янада оширади.

Тадқиқот методологияси. Жиноятчиликни олдини олишда, маҳалла қайси аҳоли яшаш жойида бўлмасин, яъни шаҳар, қишлоқ, овул каби, муҳим имкониятлар марказидир. Маҳалла посбонлари, профилактика инспекторлари ишини ташкил этишда маҳалла тизими орқали иш кўриш мақсадга мувофиқлигини ҳаётни ўзи кўрсатмоқда шунинг учун ҳам жиноятчиликни олдини олишда профилактик таъсир чоралари амалга оширадиган барча тадбирларни жиноятчиликнинг айнан шу шакли орқали йўл қўйиш ва криминология тадқиқотларни шу йўналишда ташкил этишнинг илмий тавсияларини яратиш лозим бўлади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-рухий, маданий-марифий ҳамда махсус йўналишларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар асосида йўлга қўйилади. Бу йўналишлардаги профилактика таъсир чоралари турли миқёсда ўтказиладиган оммавий тадбирлар билан узвий боғлиқ бўлиб, асосан, умумий ҳамда яқка тартибдаги профилактика ишларни йўлга қўйиш орқали амалга оширилади.

Таҳлил ва натижалар. Оммавий ахборот воситалари нафакат шахсга балки жамиятнинг барча аъзоларига бирдек таъсир этиш имкониятига эга. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш орқали у ёки бу шахс маълум бир эътиқод асосида шаклланган гуруҳларнинг аъзолари ва умуман аҳоли ўртасида ўзини тушуниш, хулқини яхшилаш, ёмон одатлардан воз кечиш каби ҳолатларга эътиборни ишлаб чиқиш

мумкинлиги, жиноятчиликнинг олдини олишга ёрдам беришни этибордан четда қолдирмаслик зарур. Шу боис профилактика ишларини ташкил этишда оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Энг муҳими, оммавий ахборот воситаларидан жиноятчилик ва у билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда фойдаланишни криминология нуқтаи назардан таҳлил этиш ҳамда зарур тавсияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Криминология фанида ҳам жиноятчиликни олдини олиш турларга бўлинади: биринчидан, жиноятчиликни олдини олиш умумий ижтимоий чоралар; иккинчидан бу ҳолатларни олдини олишнинг махсус чоралари мавжуддир.

Жиноятчиликни олдини олишнинг умумий ижтимоий чоралари ишимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги зиддиятларни ҳал қилишга қаратилган бўлиб, жамият олдидаги муҳим вазифаларни бажариш орқали ҳал қилинади. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида бозор иқтисодиёти инфратузилмаларини ташкил қилиш, инфляцияни бартараф этиб бориш, ҳалол рақобатчиликни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида эса фермер хўжалиги, деҳқон хўжалигини ривожлантириш ва уларни ҳам ҳар қандай рақобатга чидай оладиган бақувват қишлоқ хўжалиги тизимини ташкил қилиш ва жамиятда содир бўлиш шароит ва сабабларини бартараф қилиб боришдан иборат.

Жиноятчиликни олдини олишнинг махсус чоралари бевосита жиноят содир этилишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар бўлиб, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишдаги умумижижтимоий чоралар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Иқтисодиётда самарали бошқарув тизимини яратиш ва такомиллашиб бориш, саноат ва ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий технология жараёнларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш жараёнида комплекс механизатциялаштирилган ва автоматлаштирилган корхоналарни яратиш, ишлаб чиқаришни ялпи техник жиҳозларни йўлга қўйиш. Бу каби умумижижтимоий чора-тадбирларни амалга ошириш, махсус профилактика чораларининг янада аниқ йўналишларда ва жадал бўлишни талаб этади.

Шунингдек, давлат амалга оширадиган махсус чора-тадбирларни бешта ҳолатга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни: иқтисодий, ташкилий, техник, ҳуқуқий, тарбиявий чора-тадбирлар. Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбирларни ҳар-бирини мустақил бўлган ҳолда, уларнинг самарадорлигини таъминлаш учун комплекс ҳолда ташкил этиш даркор.

Хулоса қилиб айтганда, жиноятларнинг содир этилишини олдини олишда оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш, уларни содир этиш ҳолатларини аҳоли ва жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб этиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади ва уларни содир этилиши камайиб боради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш орқали жиноят учун жазо тайинлашда инсонпарварлик принципига қатъий риоя қилиш, жиноятчиликка бўлган муросазлик кайфиятини ривожлантириш керак.

ФОДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Жиноятчилик тўғрисида kun.uz сайтда берилган маълумотлар – давлат статистика агентлиги тамонидан берилган.
2. Криминалогия – дарслик / З.С.Зарипов, А.С.Якубов ва бошқалар. Тошкент: Ўз.Р. ИИВ академияси, 2006 й.
3. Криминалогия: Усмоналиев М., Каракетов Й. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.